

Пудрат шартномасн (Жорий таъмирлаб, фойдаланишга топшириш тугрисида)

2022 й. «06» Октябр

32 -сон

Булоқбоши Т

Булоқбоши туман хокимлиги ободонлаштириш бошкармаси номидан ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи бошлиқ А.Урмонов бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва Булоқбоши туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси, ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи И. Собиров иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. Атамалар.

Шартномада куйидаги атамалар кулланилади:

- **"Ижро ҳужжатлари"**: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар, ишларини бажаришда қўлланилган хом ашёлар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар, оралик даврда қабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг яққа тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

- **"Лойиха-смета ҳужжатлари"** - (ЛСХ): иншоот қурилиши учун лойихалаш институти томонидан тайёрланган ишлар ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган ҳужжатлар туплами;

- **"қурилиш майдони"**: - шартнома доирасида, барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Иншоотнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

- **"Вактинчалик ишлар"**: - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай кўринишдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

- **"Беркитилган ишлар"**: - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- **"Жорий молиялаштириш"**: - шартномада белгиланган ишлар қийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич молиялаштирилиб бориш.

II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи шартнома шартларига мувофиқ Булоқбоши тумани Қакир МФЙ Хилол кўчасининг жорий таъмирлаб қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва қурилиш буйича ажратилган маблағ буюртмачининг ҳисоб рақамига келиб тушганидан сунг туловни амалга ошириш мажбуриятини олади. **Лот 22110012153250**

III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

3.1. Тасдиқланган ишлар қиймати барча туловларни уз ичига олган ҳолда жорий нархларда шартноманинг умумий суммаси **591718789 (Беш юз тўқсон бир миллион етти юз ўн саккиз минг етти юз саксон тўққиз)** сумни ташкил этади. Шундан ККС суммаси **77180712** сум

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- иншоотнинг қурилишини бир йилдан ортиққа узайтирилганда;

- қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни шакллантириш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномалар битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

4.1. Шартноманинг 2-булимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

- барча ишларни иншоот лойиха - смета ҳужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш хом ашёлари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- иншоотни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда, қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш хом-ашёлари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- иншоотда хавфсизлик техникасини таъминлаш;

- қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

- ҳисобот ойининг 27-28-кунидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига иншоотда ҳақиқатда бажарилган ишлар

ҳажми ва киймати буйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот ҳужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қулланилган қурилиш хом-ашёлари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши;

- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин лойиха-смета ҳужжатлари буйича иш бажариладиган қисмларининг фотосуратларини Буюртмачига тақдим қилиш;

- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини курсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим қилиш. Шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларни уз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи шартнома буйича барча ишларни уз кучлари билан ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда иншоотнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари.

5.1. Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда, шартномага мувофиқ, ишларни бажариш учун иншоотнинг лойиха-смета ҳужжатларини, ярокли булган қурилиш майдонини қурилиш иншоотида ишлар тугаллангунга қадар булган даврда, далолатнома билан Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура қурилиш назоратини олиб бориш, Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- иншоот буйича маблағ ажратилганидан сунг Пудратчига аванс (Бунак) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- шартнома имзоланган кундан бошлаб, икки ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ошади.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Пудратчи биринчи бунак (аванс) тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Қурилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан, этиборан 10 кунни ташкил этади.

6.3. Шартнома буйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар.

7.1. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун туловни Буюртмачи туман фуқаролар бюджети жамғармаси маблағлари томонидан маблағ ажратилганидан сунг амалга оширади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий кийматининг 30 % микдорига бунак (аванс) утказади. бу 177515637 (Бир юз етмиш етти миллион беш юз ўн беш минг олти юз ўттиз етти) сумни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига (бунак) аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади. (1 ва 2-иловалар).

7.3. Жорий молиялаштириш берилган бунак (аванс) маблағини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар сифати Буюртмачи томонидан текширилганидан сунг иншоотнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 70 % доирасида амалга оширилади, бу 414203152 (Тўрт юз ўн тўрт миллион икки юз уч минг бир юз эллик икки) сумни ташкил этади.

7.4. Пудратчи иншоот фойдаланишга топширилгунга қадар шартнома буйича мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Иншоотнинг Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақили - Техник аудитор тайинлайди, у Буюртмачи номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган хом ашё, асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигида текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилиши ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник аудитори ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича ўтказиладиган йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва шартноманинг 6 - бўлимида курсатилган муддатларни мувофиқлаштирган уз режаси ва жадвалига биноан иншоотда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи иншоотда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура - қурилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда, қурилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва иншоотни привязка қилиш учун Пудратчига геодезм нукталари ва уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан иншоотнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш нукталарининг мувофиқлиги тугрисида жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.10. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобдан киритади,

8.11. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани буйича Буюртмачига беради.

8.12. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.13. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар, тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини кафолатлайди.

8.14. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар таяёр булишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан икки кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Давлатархитектурақурилишназорат” инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.15. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитектурақурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.16. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.17. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.18. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг суб пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбур.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

8.19. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан Йул участкалари ва йулакларини супуруб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, хом ашёлар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, хом ашёларнинг уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.21. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатдан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларини қуриклаш.

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунга қадар ва қурилиш тугалланган иншоот Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудидаги хом ашёлар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қурикланишини таъминлайди.

9.2. Таъмирланган иншоот, шунингдек хом ашёлар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк иншоот қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қилиб қикса ва бу ҳолатлар шарноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

Шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Томонлар бир ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

XI. Қурилиши тугалланган иншоотни қабул қилиб олиш.

11.1. Қурилиши тугалланган иншоотни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар, томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугаллаган иншоотни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Иншоотни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисидаги Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома билан мурожаат этади. Буюртмачи ёзма билдиришномани олган кундан бошлаб ун кун мобайнида иншоотни қабул қилиб олади.

11.3. Пудратчи таъмирланган иншоотни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин Буюртмачига мурожаат этади. Буюртмачи белгиланган тартибда икки нусха ижро ҳужжатларини Пудратчига беради.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб иншот Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тулик ҳажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ барча ишлар сифатли бажарилишини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, конструкция ва омиллар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилинишини;
- иншоатдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Иншоот ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган иншоотни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб ун икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама қушимча келишувида қайд этилади.

12.4. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар Пудратчи ва Буюртмачи уртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуқсон ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда далолатномага тегишли ёзувларни қиради.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

13.1. Буюртмачи:

- шартнома қучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қуч вақтга қечиктирилса;
- ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қучайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш қадвалига қуриё этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда қутилган ишларнинг сифати қасайишига олиб қеладиган қаражада қузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар қуийча шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга қучтатиб қуийлганда;
- Буюртмачи томонидан қуолияштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар қуийча шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Қазқур шартноманн бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма билдиришнома билдиради.

13.4. Пудратчи Буюртмачи томонидан билдиришнома билдирилган қундан бошлаб 10 қун муддатда қавоб йуллаши шарт. Ақс қолда Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиб, ишни бошқа Пудратчи орқали давом эттириш ҳуқуқига эга

XIV. Томонларнинг қавобқарлиги.

14.1. Томонлардан бири шартнома қажбуриятини бажармаса ёки зарур қаражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етқазилган зарарларни тўлайди.

- Ўзбекистон Республикаси Қуқаролик қодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Қужалиқ қуригувчи субъектлар қаролиятининг шартномавий-қуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда шартномада назарда қутилган тартибда қавобқарликка тортилади.

14.2. Буюртмачи шартномавий қажбуриятини қузиб, уз вақтида қуолияштирмаганлиги учун Пудратчига тулов қечиктирилган қар бир қун учун қечиктирилган тулов суммасининг 0,2 қуоизи миққориди қуеня тулайди, бунда қуенянинг умумий суммаси қечиктирилган тулов суммасининг 30 қуоизидан ошмаслиги лозим.

Қуеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари қузилиши туқайли етқазилган зарарни қоплашдан озоқ қилмайди.

14.3. Пудратчи иншоотни уз вақтида Буюртмачига топшириш қуийча шартномавий қажбуриятини қузганлиги учун Буюртмачига муддати утқазиб қуборилган қар бир қун учун қажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0,5 қуоизи миққориди қуеня тулайди, бирок бунда қуенянинг умумий суммаси бажарилмаган қийматининг 50 қуоизидан ошмаслиги лозим.

14.4. Пудратчи шартнома қуийча ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Ишчи ва Давлат

кабул комиссияси далолатномаси билан Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вактида бажармаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, шартнома умумий кийматининг 0,01 фоизи микдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси шартнома кийматининг 15 фозидан ошмаслиги лозим.

14.5. Буюртмачи шартномада белгиланга пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш холати юзага келса, бажарилган ишлар хисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим булган туловлар хисобидан ушлаб қолиш ҳукукига эга.

14.6. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ булмаса у ҳолда Буюртмачи <<Давлатархитектурақурилишназорат>> инспекциясининг ҳулосаси асосида иншоотда бажарилган ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 15 фоизи микдорида жарима ундириш ҳукукига эга.

14.7. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажармаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

15.1. Томонлар шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни узаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни узаро ҳал этолмасалар, белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан қуриб чиқилади. Агар тарафлар уртасидаги низо молиялаштириш бўйича қелиб қолса, ишга молиялаштирувчи органнинг жалб этилиши таъминланади.

15.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ кечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

XVI. Алоҳида шартлар.

16.1. Шартнома имзолангандан кейин шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

16.2. Пудратчи қурилиш иншоотга ёки унинг алоҳида қисмлари тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга эмас.

16.3. Шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирил ва томонлар уларни имзолаган булса ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Пудратчи ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақли.

16.5. Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

16.6. Томонларнинг юридик манзили, хизмат курсатаётган банкки ва бошқа реквизитлари узгарса улар 3 кун муддат ичида бир-бирларига ёзма равишда билдиришлари шарт.

16.7. Шартнома бир хил юридик қучга эга булган 3 нусхада тузилди:

16.8. Шартнома томонлар имзо чекилиб тегишли Газначилик бўлинмасидан руйхатга олинган қундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабр қунига қадар амал қилади.

XVII Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

«БУЮРТМАЧИ»

«ПУДРАТЧИ»

Булоқбоши туман ҳокимлиги

Булоқбоши ТЙФУК

Ободонлаштириш бошқармаси

Булоқбоши туман Т.Рахимов кучаси

Булоқбоши тумани Қумгузар МФЙ

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош

Намуна кўчаси 1уй

бошқармаси

Х/р: 234020003000100001010 МФО: 00014

Банк: АТИБ Ипотекабанк Истиқлол филиали

ИНН : 201122919

Х/р: 2262 6000 7002 8072 3002

ШХВ: 100022860032107045204110007

ИНН: 200265725

ИНН: 204484309 ОКОНХ:90290

МФО: 00068

Булоқбоши туман бўйича Газначилик

бўлинмаси

Раҳбар

А.Урмонов

Директор

И. Собиров



[Handwritten signature in blue ink]



[Handwritten signature in blue ink]

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
SY33341861**

1. Loyihaning turi

Xo'jalik munosabatlari

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Buloqboshi tumani Obodonlashtirish boshqarmasi 30.09.2022-yil.

Loyiha: O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va boshqa qonun hujjatlariga asosan tayyorlangan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

04.10.2022-yil

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
Boshyuriskonsulti**



R.Xo'jamberdiyev



«ТАСДИКЛАЙМАН»
Булокбоши туман
Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи:
_____ А.Урмонов

Булокбоши туман Ободонлаштириш бошқармаси буюртмачилигида “Менинг йулим” дастури асосида Булокбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича эркин савдолар ўтказиш орқали пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича йиғилиш баённомасининг муҳокама натижалари буйича ҳисобот

2022 йил 06 Октябр

Булокбоши тумани

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари” тугрисидаги Конунига асосан Булокбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш хизматларини бажариб бериш ишларини амалга ошириш бўйича эркин савдолар ўтказиш орқали пудратчи ташкилотларни танлаш тўғрисидаги Йиғилиш баённомасини муҳокама натижалари ҳақида.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси Булокбоши туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи А.Урмонов сузи эшитилди. У ўз сузида Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасининг “dxarid.uzex.uz” ахборот порталидаги 2022 йил 21 сентябрь кунги № 22110012153250 лотга асосан 597 759 904 сумлик Булокбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш хизматига буюртманома берилганлиги ва ушбу хизматларни бажарувчи 3 та хужалик юритувчи субъектдан таклифлар билдирилганлиги ҳамда 2022 йил 29 сентябрь кунги йиғилиш баённомасига асосан 591 718 789.00 сумга **БУЛАКБОШИ ТУМАН ЙФУК (ИНН:200265725)** танлов голиби расмийлаштирилганлиги тугрисида тўхталди.

Баҳолаш комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасининг “dxarid.uzex.uz” ахборот порталига жойланган 2022 йил 29 сентябрь кунги йиғилиш баённома натижалари юзасидан эътирозлар келиб тушмаганлиги боис эркин савдо шартлари ва баҳолаш комиссияси аъзолари фикр мулоҳазаларини таҳлил қилиб йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Булокбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича 591 718 789.00 сумга эркин савдо голиби топилган **БУЛАКБОШИ ТУМАН ЙФУК (ИНН:200265725)** билан 2 томонлама шартномалар тузилишини таъминлаш топширилсин ва

харажатлар сметасида назарда тутилган маблағларни ўз вақтида тўлик молиялаштирилишини таъминлаш юклатилсин.

2. Ободонлаштириш бошқармаси Бош муҳандиси А.Тошлоновга Булокбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш хизматларини бажариб бериш ишлари муддатини ишлаб чиқиш ва молиялаштириш графигига асосан мониторинг ўтказишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилсин.

3. Эркин савдолар бўйича оферентни очиш ва ғолибни аниқлаш ҳақидаги йиғилиш баёни баҳолаш комиссияси аъзолари томонидан очиқ ҳал қилинди ва тўғри тузилган деб тан олинди.


Баҳолаш комиссияси хайъати :

Бош муҳандис:




А.Тошлонов

Техника
хавфсизлиги мутахассиси:




Х.Казаков

Бошқармаси иқтисодчиси:



Э. Курбонов

Ободонлаштириш
бошқармаси ходими:



М.Гиёсов

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 153250 на приобретение Булокбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 29.09.2022

Время рассмотрения 29.09.2022 09:18

Закупочная комиссия Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	O'RMONOV ALIMARDON AXMADBEKOVICH	Бошлик	Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	ABDUVAXOBOV MAVLONBEK TOXIRJON O'G'LI	Хисобчи	Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	QURBONOV ELMUROD TOJIDDIN O'G'LI	Иктисодчи	Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	TASHLANOV ABDURASHID MAXMUDOVICH	Бош мухандис	Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	KAZAKOV XASANBOY SOTVOLDIYEVICH	Техника хавфсизлиги мутахассиси	Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	GIYASOV MIRZAKALON MUZAFFAROVICH	Ободонлаштириш булими ходими	Булокбоши туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.09.2022 года № лота 153250.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Булокбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	597 759 904.00
Стартовая сумма	597 759 904.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник

ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломи 1 та мутахассисни мавжудлиги.. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.. 5. Ишчи ходимларнинг йиллик ўртача сони 20 киши. 6. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БУЛАҚБОШИ ТУМАН ЙФУК	20	20	20	Экспертная		
LION TRANS GROUP МЧЖ	20	20	6	Экспертная		
"ХО'ЖАБОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	20	Булоқбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Сўралган диплом нусхаси, буйруқ нусхаси, мехнат дафтарчасидан нусха жойлаштирилмаган, mehnat.uz порталидан QR кодди мехнат дафтарчасини эълон жойлаштирилган кундан кейин юкланиши белгиланган

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзигаъдарувчилар- 2 дона; 2. Асфальтётқизгичкенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 5. Автогрейдер -1 дона; 6. Ювиш машинаси- 1 дона(ижараасосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БУЛАҚБОШИ ТУМАН ЙФУК	20	20	18	Экспертная		
LION TRANS GROUP МЧЖ	20	20	20	Экспертная		
"ХО'ЖАБОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	20	Булоқбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш	6	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50%)

сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БУЛАҚБОШИ ТУМАН ЙФУК	20	20	20	Экспертная		
LION TRANS GROUP МЧЖ	20	20	20	Экспертная		
"ХО'ЖАОВОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	20	Булоқбоши туман Какир МФЙ Хиллол кўчасини жорий таъмирлаш	10	Экспертная		

Критерий №4 Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги тугрисида маълумотнома Ишлатиладиган товар ва хом ашёларнинг сифати, кафолат муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги. 2. Объектнинг жамланма жадвали 3. Ишлатиладиган товар ва хом ашёларнинг сифати, кафолат муддати, Ишларга 36 (ўттиз олти) ой давомида кафолат бериши ва таъмирлаб бериш кафолати.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БУЛАҚБОШИ ТУМАН ЙФУК	15	15	15	Экспертная		
LION TRANS GROUP МЧЖ	15	15	15	Экспертная		
"ХО'ЖАОВОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	15	Булоқбоши туман Какир МФЙ Хиллол кўчасини жорий таъмирлаш	3	Экспертная		

Критерий №5 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп. 7. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги ҳисоб рақамдаги маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
БУЛАҚБОШИ ТУМАН ЙФУК	25	25	24	Экспертная		
LION TRANS GROUP МЧЖ	25	25	25	Экспертная		
"ХО'ЖАОВОД	25	Булоқбоши туман	22	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati		Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш				

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
LION TRANS GROUP МЧЖ	597 759 904.00	585 683 756.00 UZS	585 683 756.00	00.00	585 683 756.00	27.09.2022 15:56:41	20
БУЛАКБОШИ ТУМАН ЙФУК	597 759 904.00	591 718 789.00 UZS	591 718 789.00	00.00	591 718 789.00	27.09.2022 10:53:53	19.79602

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"ХО'ЖАБОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	Не прошел	Не прошел	Не прошел
LION TRANS GROUP МЧЖ	68.8	20	88.8
БУЛАКБОШИ ТУМАН ЙФУК	77.6	19.79602	97.39602

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 153250 от 29.09.2022 года на приобретение Булакбоши туман Какир МФЙ Хилол кўчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

БУЛАКБОШИ ТУМАН ЙФУК
200265725

и резервный исполнитель: LION TRANS GROUP МЧЖ (302392366)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	O'RMONOV ALIMARDON AXMADBЕКOVICH	Согласен	
Член комиссии	QURBONOV ELMUROD TOJIDDIN O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	TASHLANOV ABDURASHID MAXMUDOVICH	Согласен	
Член комиссии	KAZAKOV XASANBOY SOTVOLDIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	GIYASOV MIRZAKALON MUZAFFAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП